

БАҲОДИР СОБИРОВ, ХУДОЙБЕРДИ ҲАМИД

НАВОИЙ ВИЛОЯТ
ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ
10 ЁШДА

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташкил топганига 10 йил бўлди. Ушбу китобда бошқарманинг кечаги куни, бугуни ва келажаги ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Тақризчилар:

Х.ИБРАГИМОВ,

Навоий Давлат Педагогика институти ректори,
педагогика фанлари, профессор.

Б.МУҲИДДИНОВ,

Навоий Давлат Кончилиқ институтининг илмий
ишлар бўйича проректори, кимё фанлари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-08-548-0

© Б.Собиров, Х.Ҳамид, «Навоий вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси 10 ёшда». «Янги аср авлоди», 2009 йил

КИРИШ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрлар тайёрлаш миллий моделида асосий ўрин тутди. Бироқ янги турдаги таълим муассасалари, хусусан, касб-хунар коллежлари фаолиятини йўлга қўйиш анча мураккаб жараён. Уларни замонавий моддий-техник база ва малакали педагоглар билан таъминлаш долзарб муаммодир. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган: «Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва нозик масала – уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу поғонада болаларимизга билим бериш ва касб-хунарга ўргатиш муаммоларидир».

Касб-хунар коллежлари зиммасига юкланган бундай улуф вазифаларни амалга оширишда раҳбар салоҳияти муҳим ўрин тутди. Зеро, жамоага раҳбарлик қилаётган шахснинг обрў-эътибори, касбий лаёқати, ташкилотчилик ҳамда бошқарув қобилияти юксак бўлмаса, ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай йўналишида катта ютуқларга эришиб бўлмайди. Бу биринчи бўлса, иккинчиси ўқитувчининг касбий тайёргарлигидир. Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, айниқса маҳоратини ошириш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Ўқитувчининг амалий фаолияти натижаси ва эгаллаган касбий тажрибаси касбий маҳорати даражасини белгилаб беради. Замонавий ўқитувчи амалий педагогика асосларини, касбий кўникма ва малакаларни тўла эгаллаш жараёнида ўзининг касбий маҳорат мактабини яратади.

Ҳар бир таълим муассасасида узлуксиз услубий хизматни ривожлантиришдан асосий мақсад – ўқитувчиларнинг нафақат янги таълим технологияларини назарий жиҳатдан ўзлаштириши, балки уларни амалий фаолиятида самарали қўллаш олиши натижасида ўқувчига чуқур билим беришдир.

Ўқувчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши жамоа раҳбари ва малакали ўқитувчиларнинг касб-хунар ўргатишига боғлиқдир.

Таълим муассасасининг раҳбари иқтидорли ва юқори малакага эга бўлган педагог кадрларни танлаб олиш қобилиятига эга бўлган тақдирда ўқитиш сифати яхшиланиб, ўқувчиларда касб ўрганиш маҳорати ошади.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллаш учун ўқитувчилар юқори малакага эга бўлишлари зарур. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакаси узлуксиз ошириб борилиши керак.

Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар янги ёндашувлар асосида олиб борилиши зарур. Тарбиявий ишлар нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларга ҳам дахлдордир. Уларнинг мулоқот тарзи, иш фаолияти, ақлий имконияти, маданият ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш, энг муҳими, таълим муассасасидаги соғлом ижтимоий-психологик муҳитни барқарорлаштириш назардан четда қолмайди.

Ижодкорлик педагогларимизга хос фазилатдир. Ўқитувчиларнинг худди ана шу фазилати таълим муассасаларини жонлантиради. Хулоса қилиб айтганда, ҳамжиҳатлик, ижодкорлик ва самарали меҳнат ўқитувчилар учун ўзига хос меъёрдир. Бу эса бўлажак мутахассисларда шахсий ва касбий сифатларни ривожлантириш учун муваффақиятлар гарови демакдир.

Навоий вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг олдига қўйган энг долзарб масалаларидан бири – тўққизинчи синфни битираётган ўқувчиларнинг бирортаси ҳам назардан четда қолдирилмасдан кейинги босқич таълимига жалб этилиши керак. Бундай улкан вазифаларни бажариш нафақат ҳокимликлар, балки педагог кадрлар ва ота-оналар вазифаси ҳамдир.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ МЕВАСИ

*Фарзандларимиз, ёшларимиз
бизнинг нафақат ишончимиз ва
келажакимиз, бугунги ва эртанги
кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.*

Ислом Каримов

2008 йилнинг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинишида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Ҳолбуки, Ўзбекистон том маънода ёшлар мамлакатидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, аҳолининг аксарият (40% дан зиёд) қисмини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ёшлар муаммоларига эътиборни жалб этиш масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида туриши шарт.

Қомусимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Конституциянинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади»¹, деб белгиланган.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада юқори босқичга кўтарилди.

Барчага маълумки, келажак ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Юртбошимиз Ислом Каримов биринчи чақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида ёшлар тўғрисида қуйидаги сўзларни айтган эди: «Бу муқаддас заминда яшаёт-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2003 й. –40-б.

ган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахти-саодати, фазлу камолини қўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳиtida яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан бирининг: «*Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас*», дея айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам.

Бу гап йўқ жойдан пайдо бўлган эмас. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: *фарзандларига яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли, хунарли қилиш, уйлантириш (узатиш), уйли-жойли қилиш.*

«Бугун ана шундай олижаноб анъаналар қайтадан мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун истиқлол шарофати билан энг қулай муҳит яратилди. Бу, шубҳасиз, биз ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди. Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз».²

Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзини давом эттирар экан, лўнда қилиб, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдир – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини айтди.

² Ислоҳ Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 й.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилин-ди ва Давлат дастури қабул қилинди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу дастур ижросини таъминлаш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доираси-да, авваламбор, мустақиллик йилларида қабул қилинган амал-даги қонун ҳужжатларининг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқла-рини ҳимоя қилишга оид қисми бугунги кунда олиб борилаёт-ган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсати-нинг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳия-тига мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқилди. Бу бо-рада юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тузи-либ, қайси қонун ҳужжатлари такомиллаштиришни тақозо эта-ди ва яна қандай янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ло-зимлигига жиддий эътибор қаратилди.

2008 йилнинг 8 январидан эътиборан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун кучга кирди, бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашти-риш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш мазкур қонуннинг асосий мақсадларидир.

Президентимиз томонидан ўтган йилнинг 16 апрелида яна бир муҳим ҳужжат – «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштири-лиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, болалар ўрта-сидаги жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оши-ришга йўналтирилган мазкур қонун билан амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида-талабларига ҳам асос-ланади. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркин-ликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчисидир. Жумладан, 2008 йил 4 апрелда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июн) ратификация қилиш

ҳақида»ги қонун, 8 апрелда эса «Болалар меҳнатини оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июн) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун кучга кирди.

Шу тариқа мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва технологияларни эгаллаб, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу борадаги миллий қонунчилик тизимимиз халқаро ҳуқуқнинг демократик тамойилларига мос келиши билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ижобий жиҳатларини ҳам ўзида мужассам этган. Мазкур демократик стандартлар ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил этиб, қонунчилик жараёнида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг татбиқ этилмоқда.

Давлат дастури доирасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича статистика ҳисоботи тизимини жорий этиш, бу борада маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга доир чоратadbирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилаётир. Жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда Президентимиз томонидан халқимиз, шу жумладан, ёшларимизнинг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, уларга ижтимоий мададни янада кучайтиришга мунтазам равишда эътибор қаратилиб келинмоқда.

2009 йил юртимизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори ўртача 1,25 марта оширилди. Табиийки, таълим, тарбия тизимидаги ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани, ўз Ватанининг тақдири, бугуни

ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга оширилган залворли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Мамлакатимиз ўзининг истеъдодли фарзандлари билан, уларнинг халқаро фан олимпиадалари, жаҳон спорт майдонлари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг ҳам бурчидир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Sen yolgʻiz emassan» ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, «Истеъдод» жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, «Ҳаёт» каби нодавлат-нотижорат ташкилотларининг иштирок этаётгани катта аҳамиятга эга.

«Келажак овози», «Янги авлод», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» каби республика танловларининг юқори савияда ташкил этилаётгани ёшларда чуқур билим олишга интилишни кучайтириш, илғор ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагоглар ўртасида инновацион технологияларни жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги ёшлар ахборот-коммуникация технологияларидан, интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланадиган, дунёнинг исталган жойи билан тезда боғланиб, осон мулоқотга кириша оладиган, қисқача айтганда, жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бугунги кунда даврга хос ва мос фарзандлар эканига эътиборни қаратиш ўринлидир.

Фарзандларимизнинг замон ва техникавий тараққиёт билан баробар одимлаётгани қалбимизга ғурур бағишласа, уларнинг онгу тафаккурини дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш масъулияти бизни янада ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишга ундайди.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақалари ўтказиш, ана шу тадбирларда ва халқаро миқёсдаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёш иштирокчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур барча маблағларнинг давлат бюджетидан ажратилиши ҳам давлатимизнинг ёшлар тақдири ва истиқболига нечоғлик улкан масъулият билан ёндашишини кўрсатиб турибди.

Халқимиз ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада улкан обрў ва эътибор топмоқда. Бунда иқтидорли ёшларнинг хизмати салмоқлидир. Истеъодларнинг юксак парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, меҳр ва эътибор, парвариш бўлмаса, ўсиб-ўлғайиш, камолот ва тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилгани тасодифий эмас. Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни маънавий тарбиялашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда давлат идоралари билан тегишли нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги натижасида юртимизда ўтказилган «Ниҳол» ва Зулфия мукофоти танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик танловлари минг-минглаб ёш истеъод эгаларини кашф этмоқда. 2008 йилда мамлакат доирасида эмас, балки халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этган танловлар, фестиваллар, форумлар ва анжуманлар ташкил этилди. Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бунга яққол мисол бўла олади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1827> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1827> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1827>